2017 йил 23 ноябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (13.562)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

*СЕУЛ, 22 ноябрь.*
*ЎзА махсус мухбири Абу Бакир Ўрозов хабар қилади.*

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 22 ноябрь куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига келди.***

Сеул шаҳри аэропортида Ўзбекистон Президенти шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Ким Донг Ён кутиб олди.

Ушбу ташриф Ўзбекистон – Жанубий Корея ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларнинг мантиқий давоми бўлиб, давлатларимизнинг ўзаро алоқаларига доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилиш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг олий даражадаги музокараларида ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, молия-сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган.

Шунингдек, ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Миллий Ассамблея Спикери Чон Сэ Гюн ва Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён билан учрашиши, икки давлатнинг етакчи иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, йирик ишбилармонлар иштирокидаги Ўзбекистон – Жанубий Корея бизнес форумида иштирок этиши кўзда тутилган.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг Стратегик шерикликни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёноти қабул қилиниши, шунингдек, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир кўплаб ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, тижорат келишувлари ва шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

***Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.***

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг қутловида ушбу тарихан қисқа даврда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида салмоқли натижаларга эришилгани қайд этилган.

"Бугунги кунда Қозоғистон ва Ўзбекистон сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ва кўп қиррали ўзаро алоқаларнинг намунавий моделини намойиш қилган ҳолда, бутун Марказий Осиё минтақасининг янада тараққиётини таъминлайдиган мустаҳкам пойдевор яратмоқда, деб таъкидланади қутловда. – Жорий йилда Сизнинг Остона шаҳрига ташрифингиз ва менинг Тошкентга ташрифим мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Уларнинг натижалари муносабатларимизни сезиларли равишда кенгайтириб, ҳамкорлигимизнинг янги устувор йўналишларини белгилаб берди".

Нурсултон Назарбоев Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали стратегик шериклик асрлар давомида дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келаётган халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам янада жадал ривожланиб боришига қатъий ишонч билдирган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қутлуғ сана –дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан йўллаган қутловида бундай дейилади: "Чиндан ҳам тарихий ушбу муҳим воқелик мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, Абадий дўстлик ва Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномалар асосида ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорликни изчил ривожлантиришга мустаҳкам пойдевор яратди".

"Жорий йилда бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашув ва музокаралар Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга имкон яратди, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитди. Муваффақиятли ҳамда самарали ўзаро алоқаларнинг замонавий босқичи қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг манфаатларига тўлиқ жавоб беради, бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилади", деб қайд этилади қутловда.

Давлатимиз раҳбари ҳар томонлама, жумладан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги алоқалар бундан буён ҳам фаол кенгайиб ва ривожланиб боришига қатъий ишонч билдирган. "Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз", деб таъкидлаган.

**ЎзА**

**24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни**

**Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.**

**ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИнинг сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Нукусда сенатор ва депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва уларнинг бўлинмалари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ва Адлия вазирлиги ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**• Наманганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уни тарғиб этишда диний соҳа ҳамда маънавият тарғиботчилари олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган учрашув ўтказилди.**

**• Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллиги байрами арафасида Фарғона шаҳрида 7 қаватли бешта турар жой биноси фойдаланишга топширилди. "Yangi zamon binosi" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган уй-жойларда яратилган шароит ва қулайликлардан хонадон соҳибларининг қувончи чексиз. Бундай эзгу ишларни давом эттириш мақсадида 2018 йилги дастур асосида мазкур ҳудудда яна 10 та 7 қаватли уй қурилиши режалаштирилган.**

**• Жиззахда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ўзбек тили ва адабиёти чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаб-интернатида ташкил этилган тадбирда 100 нафар истеъдодли қиз адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишларида билими ва салоҳиятини намойиш этди.**

**• Термизда вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, кенгаш раёсати ва тафтиш комиссияси сайланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Грецияда йигирма нафар одам кучли жала оқибатида рўй берган сув тошқинларининг қурбонига айланди, беш киши бедарак йўқолди. Сув тошқинларидан катта жабр кўрган ҳудудларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

**• Бельгиядаги Arcelon Mittal заводида рўй берган портлаш натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, бир нечта одам жароҳатланди. Ҳозирда портлаш сабаблари аниқланмоқда.**

**• Футболчиларнинг трансфер нархи билан шуғулланадиган Transfermakrt интернет-портали 2018 йилги жаҳон чемпионатида иштирок этадиган термалар орасидаги энг қиммат жамоани аниқлади. Унга кўра, ўйинчиларининг жами трансфер баҳоси 671,5 млн. бўлган Бразилия термаси энг қиммат таркиб, деб топилди. Кейинги ўринларни Испания (643,5), Германия (636,5) ва Франция (636,5) терма жамоалари эгаллаган. Энг арзон таркибли терма жамоа эса Панама (5,25) командаси экан.**

## ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИДА УЧРАШУВ

***Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Япониянинг "Сока Гаккай" ташкилоти вице-президенти Кендзи Йосиго бошчилигидаги делегация аъзолари билан маънавий-маърифий учрашув бўлиб ўтди.***

Мулоқот олдидан Япония делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйди, мустақиллигимиз асосчиси ва буюк давлат арбобининг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Учрашувда меҳмонларга мамлакатимизда Ислом Каримовнинг ҳаёти, кўп қиррали фаолияти ва меросини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, хусусан, Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасининг бу борадаги вазифалари хусусида маълумот берилди.

Ўз навбатида, меҳмонлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг, айниқса, Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар, ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда униб-ўсиши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратиш борасидаги ишларга бевосита раҳбарлик қилганини алоҳида таъкидлади.

Иқтисодиёт, фан ва таълим ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун Ислом Каримов хорижий давлатларнинг қатор университетлари, жумладан, 2002 йилда Сока университетининг фахрий доктори этиб сайланган.

Сока университети Япониядаги нуфузли таълим даргоҳларидан. Университетнинг марказий хиёбонида Алишер Навоий ёдгорлиги ўрнатилган. Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк вакили таваллуд айёми арафасида ҳайкал пойи гуллар билан тўлиб кетади. Бугун Алишер Навоийнинг бой меросини япон талабалари ҳам зўр иштиёқ билан ўрганмоқда.

– Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида бўлганимиз ташриф давомидаги энг ёрқин воқеа бўлди, – дейди Япониянинг "Сока Гаккай" ташкилоти вице-президенти Кендзи Йосиго. – Ўз мамлакатини мустақил ва демократик давлатга айлантирган, таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришда беқиёс ишларни амалга оширган бундай инсонни хотирлаш биз учун шарафдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг рафиқаси Т.Каримова, Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширинов, Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

**Малоҳат ҲУСАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 22 ноябрь куни Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.***

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев билан суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзаро ишонч ҳамда манфаатдорликка асосланган муносабатлар қарор топгани қайд этилди. Икки давлат раҳбарларининг мулоқотлари, шу йил сентябрь ойида Нью-Йоркда ўтказилган Ўзбекистон – АҚШ бизнес-форуми мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлагани таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация асосида тараққий этмоқда. Парламентлар ҳамда ҳукуматлар даражасидаги икки томонлама ташрифлар фаоллашгани сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият бошқарувини ислоҳ қилишда муҳим асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, қўшни давлатлар билан дўстона алоқалари ва минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

– Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар эътиборга молик, – деди Т.Келли. – Парламентлар ўртасида икки томонлама ташрифлар фаоллашгани бу борадаги ўзгаришлар ҳақида фикрлашиш, қонун ижодкорлиги бўйича ўзаро тажриба алмашиш учун қулай шароит яратмоқда.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни, хусусан, таълим, маданият, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги йўналишларида самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш хусусида фикр алмашилди.

Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам учрашув ўтказди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБА БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

***"Инсон ҳуқуқлари соҳасида тараққиёт мезонларини ўлчаш бўйича қиёсий кўрсаткичлар: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуидаги халқаро конференция 22 ноябрь куни Самарқандда ўз ишини давом эттирди.***

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва унинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими, БМТ Тараққиёт дастури ва Ф.Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган конференциянинг иккинчи кунида иштирокчилар Барқарор ривожланиш мақсадларини миллийлаштириш кўрсаткичлари, механизмлари, бу борада халқаро тажриба ва Ўзбекистон амалиётини муҳокама қилдилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Ф.Караханов конференциянинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юритиб, халқаро ташкилотлар вакиллари ва экспертлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида долзарб фикр-мулоҳазалар билдирилганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашда ҳам муҳим дастуруламал бўлмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг ва унинг бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг "йўл харитаси" ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда гендер тенглигини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки ҳақида сўз юритди. Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан давлат органлари билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иш олиб бормоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

virtual.vto@umail.uz, gazeta-vto@umail.uz

№ 229 (23.11.17)

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

**24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни**

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ДЕМАКДИР

***Сайлов мамлакатда демократия тамойилларининг қай даражада устувор эканлигини кўрсатиб турувчи, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Мустақил тараққиёт йилларида миллий сайлов қонунчилигимиз мустаҳкамланиб, янада такомиллашиб бормоқда. Миллий ва умумэътироф этилган норма ва принципларни ўзида мужассамлаштирган сайлов қонунчилигимиз мамлакатимизда сайлов жараёнларининг очиқ-ошкора, адолатли, эркин ва демократик тарзда ўтишида муҳим омил бўлаётир. Бу, айниқса, 2014-2015 йилларда бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий кенгашларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида яққол намоён бўлди.***

Маълумки, 2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказилади. Айни пайтда пойтахтимизда ушбу сиёсий жараёнга қонунчиликда белгилаб қўйилган талаблар асосида қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунининг 20-моддасига кўра, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Айни пайтда мамлакатимиздаги тўртта сиёсий партия ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур ҳуқуқлардан келиб чиқиб, сайлов жараёнига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Жумладан, мазкур жараёнда ўз номзодлари билан иштирок этувчи Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловда муносиб қатнашиш, маҳаллий вакиллик органларидан кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллаш мақсадида тайёргарлик ишларини изчил олиб бормоқда. 2017 йил 23 сентябрь – сайлов кампанияси расман эълон қилингандан буён партия Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари мазкур сайловда ҳар жиҳатдан фаол иштирок этишга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси муҳим сиёсий жараёнга ҳозирлик кўришда, энг аввало, ўтган сайловларда орттирган тажрибасига таянади. Дарҳақиқат, 2009, 2014 йилларда парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда партия ўз номзодлари билан иштирок этиб, муносиб ўрин эгаллади. Партиянинг йилдан йилга жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва мавқеи ошиб бораётганини мазкур сайловлардаги натижалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, 2009 йилги сайловда ЎзМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 31 номзод депутат этиб сайланган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилги сайловда 36 нафарни ташкил этиб, парламентда депутатлик ўринлари бўйича иккинчи ўринни эгаллади. Худди шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ҳам 951 дан 1109 нафар депутатга кўпайди.

Партиямизнинг сайловда қандай натижаларга эришиши, албатта, у илгари сурган дастурий мақсад ва ғоялар билан чамбарчас боғлиқ. ЎзМТДП Сайловолди дастури партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлар учун амалга ошириш зарур бўлган вазифалар дастуруламали ҳисобланади. Бу вазифалар партия ғояси, мафкураси, ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларига жавоб бериши, партиянинг куч ва имкониятларига мос келиши, энг муҳими, Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига уйғун бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу маънода ЎзМТДП Сайловолди дастурида 7 та йўналиш бўйича вазифалар ўз аксини топган бўлиб, улар сиёсий муносабатлар тизимида миллий ғоя устуворлигини таъминлаш, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллати, дини ва эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи ва барча фуқароларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, миллий тикланиш ғоясини ривожлантириш, маҳалла тизимини янада такомиллаштиришга кўмаклашишни назарда тутади. Шунингдек, унда партиямиз учун энг муҳим соҳа – маънавий-маърифий соҳада миллий ўзликни англаш ва миллий тикланиш жараёнларидан миллий юксалиш сари бораётган жамиятимиз олдида турган бугунги долзарб вазифалар акс этган.

Партиямиз иқтисодиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келади. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш ва уни хорижнинг сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, миллий брендлар яратиш ҳамда, энг муҳими, соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш асосий вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида туризм соҳасини тараққий эттириш ҳамда юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш партия Сайловолди дастуридаги муҳим вазифалардандир. Партия туристик маршрутларни такомиллаштириш, сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатишни таъминлаш ҳамда туристик фаолият билан шуғулланадиган субъектларни қўллаб-қувватлаш каби масалаларни устувор вазифаларидан деб билади. Зеро, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти юқори бўлиб, энг ноёб ва тарихий масканлар туризм ривожида муҳим аҳамият касб этади.

ЎзМТДП суд-ҳуқуқ соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маданиятини ошириш, қонунларимизнинг миллий қадриятлар руҳи билан суғорилишига эришиш ва Ўзбекистон халқининг миллий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган мурувват, кечиримлилик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифаларидан деб билади.

Аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш – партиянинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг бош мақсадидир. Бундан ташқари, Сайловолди дастуримизда фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва ахборот соҳасига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ахборот соҳасида жамиятнинг информацион-мафкуравий ҳимоясини таъминлаш етакчи вазифа сифатида белгиланган.

Партия давлатимизнинг инсоният тамаддунининг қадимги Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, сиёсий, иқтисодий ва маданий-инсонпарварлик соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, "Буюк Ипак йўли" брендини илгари суриш сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Умуман, дастурда белгиланган, ўз зиммамизга олган барча йўналишдаги вазифаларга миллий қадрият ва анъаналар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити тобора ривожланиб, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кенгаяётган бир пайтда аниқ, ҳаётий ва аҳоли манфаатларига мос мақсад-вазифаларни ўз зиммасига олган партиянинг мавқеи мустаҳкам бўлади. Шу маънода ЎзМТДП сайловолди дастурида белгиланган ғоя ва мақсадлар бугунги замон талабига мос, давр тақозо этаётган муҳим масалаларни ўз ичига олганлиги билан аҳамиятлидир. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов жараёнида партиянинг, ундан кўрсатилаётган номзодларнинг ҳаётий, халқчил дастурий мақсад-вазифалар билан сиёсий майдонга чиқиши, айниқса, ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётган, кечаги сайловчи билан бугунги сайловчининг тафаккури, сиёсий қарашлари ўртасида жуда катта фарқ юзага келган бир пайтда ҳаётий ва аниқ мақсад-ғоялар муҳим ўрин тутади. Бугун сайловчилар сиёсий партияларнинг бир-биридан фарқи, уларнинг мақсад-вазифалари, ижтимоий қатлами ҳақида етарли маълумотга эга. Бундан ташқари, фуқароларимиз онги ва тафаккури, эътиқодида рўй берган туб ўзгаришлар, уларда атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, фуқаролик бурчи ва эртанги кунимизга шахсий жавобгарлик ҳиссининг ортиб бораётгани сайлов жараёнининг очиқ-ошкора, ҳаққоний ва уюшқоқлик билан ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов ҳам сиёсий партиямиз, ҳам пойтахт ҳаёти ва аҳолиси учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Маълумки, пойтахтимизда кенг қамровли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг амалга оширилиши самарасида Тошкент шаҳри кундан кунга чирой очиб бораётир, аҳоли учун кенг ва қулай шароитлар яратилмоқда. Аммо шу билан бирга, икки ярим миллионга яқин аҳоли истиқомат қилаётган азим пойтахтимизда ўзига хос муаммолар ҳам борлиги сир эмас, албатта. Масалан, Президентимизнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келаётган мурожаатларнинг энг кўпи айнан Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш, айниқса, партияларнинг шаҳар ва туман Кенгашлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, қонун қабул қилишда халқ билан мулоқот қилиш тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани фуқароларнинг вакиллик органлари орқали давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаёти, кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Бугун пойтахтимиз туманлари кун сайин ривожланиб, янги иқтисодий имкониятларга эришмоқда, улар салоҳиятини оширишга эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир туманда самарали назорат ўрнатиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан туман Кенгашларининг ташкил этилиши депутатлик назоратини ўрнатиш, қолаверса, ҳудудлар ривожига қаратилган янги таклиф ва ташаббуслар билан чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Туманлар даражасида маҳаллий бюджетни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш, шунингдек, туман Кенгашлари сессиясида маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотларини тинглаш муҳим қарорлар қабул қилиш имконини беради. Ҳududдаги муаммо ва масалалар халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари аралашуви ҳамда кўмаги билан жойида ҳал этилади.

Пойтахт туманларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ташкил этилиши Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳудуд ривожидаги иштирокини, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги имкониятларини янада кенгайтиради. Яъни, пойтахт туманларидаги вакиллик органларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаоллик кўрсатиб, партия дастурий вазифалари ижросини таъминлашга, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга эришади. Шу боис ҳам ушбу сайлов партиямиз зиммасига катта масъулият юклайди. ЎзМТДП шуни инобатга олган ҳолда бугун сайловга қизғин ҳозирлик кўрмоқда, вакиллик органларидан кўп ўрин эгаллаш учун фаол ҳаракат қилишга, сайлов кампанияси даврида бор куч ва имкониятлардан самарали фойдаланишга эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда сиёсий партиялар ва улардан кўрсатилган барча даражадаги депутатликка номзодлар учун муҳим палла – сайловолди ташвиқоти бошланди. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотининг тартиб-қоидалари, турлари, шакллари ва усуллари ҳамда мазкур даврда сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга бир хил шароит ва имкониятлар яратилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Шунингдек, депутатликка номзод сайловолди ташвиқотлари юритиш жараёнида ишончли вакил институтидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга. Мазкур ҳуқуқдан унумли ва самарали фойдаланиш номзоднинг муваффақият қозониши учун замин бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий сайлов қонунчилигимизда белгиланган қоида ва талаблар асосида 2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга уюшқоқлик билан ва пухта ҳозирлик кўраётир. Сайлов кампаниясининг ҳар бир босқичини изчиллик билан ташкил этиб келмоқда. Зеро, мазкур сайловдаги муваффақиятли иштирок ва самарали натижа партия учун янги имкониятлар эшигини очади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар, азиз сайловчилар!**

24 ДЕКАБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

***МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ – БОШ ВАЗИФАМИЗ!***

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши**

---

**Фармон ва ижро**

## ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР

***Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишда бир қатор имтиёз ва преференциялар яратилган.***

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 50 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Мазкур нормалар Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида ўз аксини топган. Шунингдек, ушбу қонунга кўра кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз ошадиган бўлса ҳам кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига кўра, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Агарда якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур Фармонга кўра 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Таъкидлаш жоизки, якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Яратилаётган бундай қулай имкониятлар ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга кенг замин яратади.

**Шавкат ТУРДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари**

---

## ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИГА МОС

***Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда.***



Жаҳон миқёсидаги молиявий-иқтисодий инқироз таъсири давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари барқарор бўлиб келмоқда. Харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар самарасида мамлакатимизда экспорт ҳажмини оширишга эришилди.

Пойтахтимизда Туркиянинг "WAZZE" компанияси билан ҳамкорликда кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича "ELLE" Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси ишга туширилганидан юртдошларимиз яхши хабардор. Корхона 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, тез орада ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан харидорларнинг меҳрини қозона олди. Дастлабки йилларда корхона 8 нафар ходим билан иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб, 50 дан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланган.

Корхонада мутахассисларни қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, бозор талаби ва эҳтиёжини пухта ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг "Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қиляпти. Сифат бошқаруви тизимида амалга ошириладиган янги бозор механизми рақобатбардош маҳсулот тайёрлашни таъминлайди ва ўзаро шартномаларнинг тўлиқ бажарилишида истеъмолчилар ишончини янада оширади.

Дарҳақиқат, "ELLE" тез ривожланаётган корхона бўлиб, маҳсулотларни харидорларга ҳамёнбоп нархларда етказиб бериш компаниянинг асосий мақсади ҳисобланади. Дастгоҳлар Туркиядан келтирилган бўлиб, маҳаллий хомашёлар асосида Ўзбекистоннинг иқлим жиҳатдан, экологик ва табиий ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда, 30 хил замонавий моделдаги аёллар пальтолари ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда корхона гўзал аёлларимизга мода оламидаги барча сўнгги ишланмаларни уйғунлаштиришнинг уддасидан чиқяпти, десак муболаға эмас.

Шунингдек, "ELLE" Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси томонидан банд бўлмаган аҳоли қатламини, айниқса, коллеж битирувчиларини ишга қабул қилиш яхши йўлга қўйилган. Шу боис Яккасарой енгил-саноат касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда "Уста-шогирд" анъанаси ижобий натижалар бермоқда. Коллеж ўқувчилари учун уларнинг ушбу йўналишда соҳанинг етук мутахассислари бўлиб етишишларида маҳорат дарслари ташкил этилиб, бичиш-тикиш сирларини ўргатиш тизими самара бера бошлагани қувонарли ҳол.

– Истиқлол шарофати туфайли юртимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни жаҳон бозорига таклиф этиш ва дунё тадбиркорлари билан тенгма-тенг рақобатлашиш имконига эга бўлдик. Ҳар қандай маҳсулотнинг жаҳон бозорида харидоргирлиги унинг рақобатбардошлиги ва сифатига қараб белгиланади. Шу боис корхонамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати, рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини оширишда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган бошқариш тизимларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Қолаверса, келажакда ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз, – дейди "ELLE" Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси раҳбари Манзура Юлдашева.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда эришилган улкан ютуқлар иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланаётганини, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора ошиб бораётгани ва бу натижаларни дунё ҳамжамияти тан олаётганини кўрсатади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизнинг тинимсиз меҳнати, изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли қўлга киритилаётган бундай улкан ютуқлардан ҳар биримиз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз.

**Бахтиёр ЖЎРАЕВ**
**К.Ўлмасов олган сурат**

---

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБА БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Конференцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлат идоралари фаолиятини ташкил этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни янада ривожлантириш бўйича халқаро ҳамжамият томонидан индикаторлар ишлаб чиқилгани қайд этилди. Бу индикаторлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, шунингдек, демографик, жиноятчиликка қарши курашиш ва одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ кўрсаткичларни ўз ичига олади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси маслаҳатчиси Николас Фазель индикаторлар тизими жорий этилишининг муҳимлигини қайд этиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўрсаткичлар сиёсатни шакллантириш, мамлакатдаги очиқлик ва ошкораликни баҳолашга ёрдам бериб, инсон ҳуқуқлари соҳасида стандартлар ва мажбуриятлар бажарилиши учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Кўрсаткичлар тизими эса мамлакатнинг барқарор ривожланиши тенденцияларини баҳолаш ва жадал тараққиётнинг энг аҳамиятли ўлчовларини аниқлаш мақсадига эга.

Конференция якунлари бўйича иштирокчилар инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳолатини баҳолашда индикаторлардан фойдаланиш инсон ҳуқуқлари бузилишига муносабат билдиришнинг муқобил механизмларини яратишга, бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва тикловчи чоралар амалга оширилишини таъминлашга ҳам имкон беришини таъкидладилар.

– Кейинги бир йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам кўриш мумкин, – дейди Қирғизистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Кубатбек Оторбоев. – Суд-ҳуқуқ соҳасида, ички ишлар идоралари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими бунинг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, биз Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясида баён этган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз. Бу ғоя айни пайтда ғоят долзарб аҳамият касб этаётган ёшлар келажаги, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро конференция қатнашчилари Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар ва муқаддас қадамжолар, диққатга сазовор масканларни томоша қилди.

Анжуманда Самарқанд вилояти ҳокими Т.Жўраев сўзга чиқди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

# САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказилади. Айни пайтда пойтахтимизда ушбу сиёсий жараёнга қонунчиликда белгилаб қўйилган талаблар асосида қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.***

Жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети базасида шакллантирилган Юнусобод туманида ушбу сайлов жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тузилган туман сайлов комиссиясининг штабида ҳам ишлар қизғин.

Бугунги кунда халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, ўз ҳузурида малакали мутахассислардан иборат штаб ташкил этилди. Туман сайлов комиссияси таркибида 30 та округ ва 120 та сайлов участкалари ташкил этилиб, барчаси маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан моддий-техника жиҳозлари ҳамда зарур услубий материаллар, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига оид тегишли барча ҳужжатлар билан таъминланди.

Бугунги кунда халқ депутатлари Юнусобод туман кенгашига сайлов ўтказувчи барча сайлов округи ва участкаларида сайловчилар базаси шакллантирилди. Сайлов жараёнларини ўтказишга тайёргарлик ишларида 4-Тикланиш, 14-Шоштепа, 27-Бодомзор ва 28-Матонат сайлов округларининг энг фаол эканлиги, ишлар тизимли ва сайлов қонунчилигига мос ҳолатда ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси таркибидаги намунали округлардан бири бу 27-Бодомзор сайлов округидир.

Сайлов округи барча даражадаги моддий-техника жиҳозлари билан таъминланган, телефон, интернет тармоғига уланган. Шунингдек, округ биноси ва ҳудудида сайловчиларга, айниқса, ногиронларга, кексаларга ва ёш болали аёлларга шарт-шароитлар яратилган. Махсус "Она ва бола" хонаси ҳам тайёрлаб қўйилган. 27-Бодомзор сайлов округи таркибига 4 та – 729-, 730-, 731- ва 732-сайлов участкалари бириктирилган. Булар: Тошкент ахборот технологиялари университети, тумандаги 70-умумтаълим мактаби, Шайх Шиблий маҳалла идораси ва 2-сонли Талабалар турар жойидир.

– Пойтахтимиз туманларида вакиллик органларининг ташкил этилиши бу – шаҳар ҳаёти, аҳолиси учун янги ва янада кенг имконият дегани, – дейди 27-Бодомзор сайлов округи комиссияси раиси Шерзод Синдаров. – Президентимиз шу йил 12 июлда парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган учрашувда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг фаолиятига алоҳида тўхталиб, Тошкент шаҳрида илк маротаба туман Кенгашларини ташкил этиш ғоясини илгари сурган эди. Айтиб ўтиш керак, "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан Тошкент шаҳрининг туманларида халқ депутатлари Кенгашларига сайловнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Шу асосда 2017 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Тошкент шаҳар туманларида халқ депутатлари Кенгашларини тузиш туманлар даражасида маҳаллий бюджетларни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболдаги дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда қабул қилишда муҳим ўрин тутади, уларнинг ижросини назорат қилади. Бу ташаббус пойтахтимиз туманлари учун янги имкониятлар эшигини очади. Қолаверса, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга, шаҳар тараққиётидаги иштирокини оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш, айниқса, партияларнинг шаҳар ва туман кенгашлари фаолиятини юксак босқичга кўтариш, қонун қабул қилишда халқ билан мулоқот қилиш тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани фуқароларнинг вакиллик органлари орқали давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаётидаги кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлашга замин бўлади.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ИБРАТЛИ УМР ЙЎЛЛАРИ

***Шу жаннатмонанд юртда умргузаронлик қилар эканмиз, атрофда бўлаётган бунёдкорлик ишлари, пок ниятли, ҳалол юртдошларимизнинг эзгу амаллари, саховатларидан, оилаларимизнинг кўрки, файзи бўлган, ҳаёт синовларида тобланган кексаларимизга бўлаётган эътибор ва яна шу ўринда пиру бадавлат отахон-онахонларнинг ёшлар тарбияси, уларга бой маданий-маънавий меросимиз, тарихимиз, қадриятларимизни сингдириш, жамиятнинг кичик бир бўлаги бўлган оилалар мустаҳкамлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларидан қувонасиз.***

Шаҳримиздаги "Чинобод" номли сўлим сиҳатгоҳга эшикдан киришингиз биланоқ гўзал манзара кайфиятингизни кўтариб юборади. Юртимизнинг турли вилоятларидан келиб дам олиб, ўз соғлиғини тиклаётганларнинг мамнунлиги шундоққина юз-кўзларидан сезилиб турибди. Шу куни сиҳатгоҳда дам олаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нина билан қудуқ қазиб, илм-фан чўққиларини забт этган инсонлар иштирокида "Ибратли умр йўллари" мавзусида маданий-бадиий тадбир ўтказилаётган экан.

Кеча қаҳрамонлари қирғинбарот уруш йилларида юрт тинчлиги, Ватан озодлиги учун ҳисса қўшган, кўксини жанговар орден-медаллар безаб турган, уруш фахрийси 92 ёшли Нина Маринеску, меҳнат фронти фахрийси 80 ёшли Фотима Хабибулина, академик 86 ёшли Миразим Юлдошев ва уларнинг аёллари 80 ёшли Замирахон ая эканлар. Ҳайратлиси уруш даҳшатларини бошидан кечириб, юзларида ана шу йиллар сояси бўлса-да, руҳиятларидаги тетиклик, яшашга, эртанги кунга бўлган ишонч, ғалабага эришиш йўлидаги ҳиссадорлик, энг муҳими, бугунги тинч, осойишта кунларга шукроналикни кўриб, шундай инсонлар билан елкама-елка яшаётганимиз, замондош эканлигимиздан жуда қувондик.

Тадбирга "Нуроний" жамғармаси Республика бошқарувидан ташриф буюрган раис муовини Хайриниса Мирзажонова, "Кексалик гашти" журнали ва " Нуроний" газетаси бош муҳаррири Олимжон Ўсаровлар билан уларни бирин-кетин саволга тутиб, яқиндан танишиб олдик.

"Арманистонда туғилганман, уруш бошланганда 9-синфда ўқирдим. Ғалабага ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида ўқишни ташлаб, парашют заводида ишлай бошладим. У кунларни ҳеч кимга раво кўрмайман. Бир бурда нон учун 13-15 соатлаб тик оёқда туриб ишлардик. Арманистонда туғилган бўлсам-да, тақдир тақозоси билан бугун куёшли Ўзбекистонда яшаяпман. Қирқ йиллик умримни таълимга бағишладим, Олий таълим вазирлигида ишладим. Иккита неварам, тўртта эварам бор. Қизим Инна билан бирга Юнусобод туманида яшайман. Ўтган умримдан бениҳоя мамнунман. Ҳеч қачон уруш бўлмасин", дейди Нина Маринеску.

Саксон олти ёшни қаршилаган бўлишига қарамай, ҳали қадди тик, фикрлари теран отахон Миразим Юлдошев сўзларини шундай бошлади: "Мен аёлим Замирахон билан Сирдарёдан 58 марта дам олишга келишим. Бу сиҳатгоҳ биз учун ниҳоятда қадрли. Тўрт қиз, еттита ўғлим бор. 56 невара, 24 та эвара ва 8 та чеваранинг севимли бобожон ва бувижонимиз. Қизларим Маҳбуба, Марғуба, Собира ва Назиралар менинг йўлимни танлашган. Етти ўғлим эса тадбиркорлик билан шуғулланиб, халқ фаровонлиги ва ўз оилаларининг ҳам моддий-маънавий жиҳатдан бекаму кўст бўлиши учун ҳаракат қиладилар. Аёлим хотин-қизлар билим юртини тугатиб, мен раҳбарлик қиладиган 25-умумтаълим мактабига ишга келган, юриш-туриши, одоби маъқул келгани сабаб, у билан оила қурганмиз. Кейинчалик Замирахон билан институтни сиртдан тугатдик. Оилада фарзандларимизни меҳнатга ўргатганмиз. Оилавий 35 гектар ер олиб, деҳқончилик билан шуғулланамиз. Ерларимизга буғдой ва пахтани алмашлаб экамиз. Мен ўзим ҳам бекор туришни хоҳламайман. Ўзим 13 гектар ерда боғ барпо қилганман. "Миразим ота боғи"нинг ҳам эгаси, ҳам боғбониман. Доимо ҳаракатда бўлишни, изланишни ёқтираман. Қилган меҳнатларим зое кетмади, академик илмий унвонига эга бўлдим. Бироз эътибордан четда қолиб кетган биздек илм аҳли бугунги кунда муҳтарам Юртбошимиз назарига тушдик. Кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга бир инсон сифатида доимо ҳаракатда бўлишни, меҳнат қилишдан қочмаслик, ҳалоллик ва серфарзанд, сердавлат бўлишни тилаб қоламан", дея сўзини тугатди отахон.

Тадбирга ташриф буюрган соҳировоз хонандалар Ғайбулла Қулабдуллаев ва Наргиза Азимоваларнинг дилбар куй-қўшиқлари кечага қандай кўтаринкилик бағишлаган бўлса, табаррук инсонларнинг қўшиқларга хироми кечага янада кўрк бағишлади. Иштирокчиларга "Нуроний" жамғармаси Республика бошқаруви ҳамда сиҳатгоҳ маъмуриятининг эсдалик совғалари топширилди.

**Гулчеҳра КАРИМОВА**

***Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Унда Жиноят ва Фуқаролик ишлари бўйича судлар, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Алимент ундириш билан боғлиқ масалалар бугунги кунда Мажбурий ижро бюроси зиммасига юклатилган.

Сўзга чиққанлар бола моддий таъминотида алиментнинг ўз вақтида тўлаб борилиши муҳим эканлигини таъкидладилар.

Маълумки, алимент ундиришда боланинг ота-онаси ўзаро никоҳда экани ёки улар ўртасидаги никоҳ тугатилгани муҳим эмас. Алимент ундиришда ота-оналик қайд этилгани ҳамда болага ихтиёрий равишда таъминот беришдан бўйин товлаш асос бўлади.

Биргина Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси бўйича, шунингдек, Алимент ва даврий тўловларни ундириш юзасидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида иш юритувида 24 минг 429 та ижро ҳужжати рўйхатдан ўтган, шундан Қонуннинг 40-моддасига асосан қайтарилган ижро ҳужжатлари сони 1 578 тани ташкил этади. Ижро ҳужжатини берган органнинг талабига биноан ижро этилмасдан қайтарилган ва ижро иши юритуви тугатилган ижро ҳужжатлари сони 265 тани ташкил этади. Юқорида зикр этилган Қонуннинг 54-моддасига асосан қарздорнинг иш ҳақига қаратилган ижро ҳужжатлари сони 6 минг 718 тани ташкил этса-да, ҳаракатдаги ижроси таъминланаётган алиментлар сони 15 минг 593 тани ташкил этади. Шунингдек, ўтган 9 ойлик даврда алимент қарздорликларидан бўйин товлаган 24 нафар шахсга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Бугунги кунда алимент билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Суд қарорларини ижро этиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни янада кучайтириш тўғрисида"ги қўшма фармойиш ишлаб чиқилди. Шу асосда тадбирлар дастури қабул қилинди.

**Ш.ЗОКИРОВ**



# ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ МАРКАЗ

***Халқимизда "Тил билган эл билади" деган нақл бор. Дарҳақиқат, айнан шу нақлга амал қилган кўплаб ёшларимиз дунёга ўз иқтидорларини намоён этиб келишмоқда.***

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Юнусобод тумани Етакчилар кенгаши ташаббуси билан республикамизда илк бор "Корейс ва ўзбек ёшлари маркази" ташкил этилди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Етакчиларининг шижоати ҳамда ҳаракати билан Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда марказнинг очилиш маросими тантанали тарзда бўлиб ўтди. Марказнинг асосий мақсади Корея ва Ўзбекистон ўртасида ёшлар сиёсати, ижтимоий йўналиш, спорт, санъат, тадбиркорлик соҳаларида янада алоқаларни яхшилаш кўзда тутилган.

– Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, – дейди Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Етакчилар кенгаши раиси Иброҳимбек Аманқулов. – Уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътибор қаратилади. Шу ўринда марказда маҳорат дарслари, семинар-тренинглар ташкил этиш, ёшларнинг билимларини янада бойитиш кўзда тутилганини айтиб ўтиш жоиз. Семинар-тренингларда ИНҲА университетининг малакали ўқитувчиларини таклиф этиш ҳамда Кореядан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокини таъминлаш иш фаолиятининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Марказда шунингдек, ёшлар бепул тил ўрганишлари имконияти ҳам яратилди.

**Зарина РУСТАМОВА**

# ХАЙРИЯ ИШЛАРИГА КАМАРБАСТА БЎЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 майдаги "Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида"ги ПФ-411-сонли фармони, 1992 йил 5 октябрдаги "Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида"ги 458-сонли, 2016 йил 28 декабрдаги "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2705-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 242-сонли қарорларнинг ижросини таъминлаш, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижтимоий соҳасини муваффақиятли бажарилиши борасида аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож қисми, якка-ёлғиз кекса қариялар, ногиронлар, сурункали касаллар, кўп фарзандли кам таъминланган оилаларга турли табиий ва техноген офатларда жабрланганларга жамият томонидан инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш мақсадида шаҳар ҳокимининг 2017 йил 20 октябрдаги 161-ф-сонли фармойишига мувофиқ пойтахтимизда хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказилмоқда.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти таркибида 11 та туман бўлимлари, 210 та бошланғич ташкилотлари ва 150 000 дан ортиқ аъзолар мавжуд. Улар "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти XXI курултойида қабул қилинган қарорларни, жамият Устави талабларини бажариш ҳамда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Федерацияси томонидан 2015-2020 йилларга мўлжалланган стратегик режа бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш йўлида фаолият кўрсатишмоқда.

Меҳр-мурувват Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб, у муҳим ҳисобланади. Бу йўналишда юзлаб қария ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилаларга беминнат ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатилади.

Жамият туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда маҳаллалар билан ҳамкорликда иш юритади. Қизил Ярим Ой жамияти томонидан пойтахтимизда истиқомат қилувчи жамият тасарруфига олинган 200 дан ортиқ ёлғиз қарияларга 10 нафар меҳр-шафқат ҳамширалари мунтазам равишда манзилли ёрдам кўрсатмоқдалар. Уйларига ташриф буюриб ҳолидан хабар олиб турадилар. 2017 йилнинг 9 ойи мобайнида якка-ёлғизларнинг хонадонига 4554 маротаба борилиб, 2232 маротаба ижтимоий-маиший хизмат ва 4695 маротаба тиббий хизматлар кўрсатилди.

Шунингдек, Учтепа тумани, Алгоритм 31-мавзесида жойлашган "Меҳригиё" тиббий-ижтимоий хонаси тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилиб, янги жиҳозлар харид қилинди. Марказ ишга туширилиб, тасарруфга олинган 45 нафар ногирон болаларни ўқишга, ҳунарга ўргатиш бўйича тўгараклар ташкил қилинди. Марказ тасарруфига олинган 35 нафар имконияти чекланган болалар ва уларнинг оналари хусусий тиббиёт муассасаси "Jacksoft Medical Diagnostics services" томонидан тиббий техник воситаларидан фойдаланган ҳолда невролог, эндокринолог, окулист, педиатр, гастроэнтеролог, ортопед, отолоринголог, ЭКГ, УЗИ ЭЭГ, рентген, маммография каби кўриклардан ўтказилиб, соҳа мутахассисларига берилган саволларга батафсил жавоблар олишди.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан шаҳар ва туман ташкилотлари томонидан чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилди. Режада белгиланган вазифаларни бажаришга 10 ой давомида 94 млн. 170 минг сўм сарфланади.

Фавқулодда вазиятлар аҳолидан муайян тайёргарликни талаб этади. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг асосий вазифаларидан бири фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш асосларини аҳолига ўқитиш ва ўргатишдан иборатдир. Бу борада халқ хўжалиги объектларида санитар дружиналари ва санитар постлари ташкил қилинган. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган санитар дружина ва санитар постлар фавқулодда вазиятлар бўйича ўтказиладиган тактик-амалий машғулотларда иштирок этиб ўз малакаларини янада ошириб боряптилар.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ўқув маркази томонидан ташкил қилинган ўқув семинарларида 41 та ташкилотлардан 1457 нафар ходим биринчи ёрдам асослари бўйича ўз билимларини оширди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ва туман бўлимларида фавқулодда вазиятлар рўй берганда аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида 80 та оилага кўмак беришга мўлжалланган ўрин-кўрпа, идиш-товоқ, кийим-кечак, ювиш воситалари, озиқ-овқат маҳсулотларидан жамланган захира ташкил қилинган.

Ҳисобот даврида бахтсиз ҳодиса, ёнғиндан зарар кўрган 12 та оилага 10 млн. 500 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган давлат гранти дастурига Бектемир туман ташкилотидан "Соғлом бола – соғлом ва аҳил оиланинг меваси", Учтепа туманидан "Обод юртнинг бахтли фарзандлари", Чилонзор туманидаги "Соғлом ёшлар мустаҳкам келажак пойдевори" мавзусидаги лойиҳалар Парламент комиссияси томонидан ғолиб деб топилди, ҳозирда улар устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан инсонпарварлик йўлида амалга оширилаётган ишлар кўп қирралидир. Шу боис бундай хайрия ва савобли ишларда ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин. Муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш миллатимизга хос удум. Мана шу удумга содиқ қолиб, мурувватингизни аямайсиз деган умиддамиз.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг 2018 йилдаги фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига биноан жамият ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказилмоқда.

Саҳоватпеша ҳамшаҳарларимиз, корхона ва ташкилотларга Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг ҳисоб рақамини эслатиб ўтамиз:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бош амалиёт бўлими; ҳ/р: 20212000900126451001, МФО: 00407, ИНН: 200896573, ОКЭД: 94990.

**Маълумот учун телефонлар: 248-79-25; 248-24-94.**

